

Тошкентдаги «Орзу» чарм-атторлик ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш акциядорлик жамиятида аҳоли эҳтиёжи учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш тибора кўлаймоқда. Корхонада шу йил бошидан буён аёллар, эркаклар ва мактаб ўқувчилари учун маҳаллий хомашё асосида 500 миллион сўмликдан кўпроқ турли хил спорт анжомлари тайёрланди. Илгари бундай маҳсулотларнинг аксарияти хорихдан келтириларди. Бугунги кунда жамоанинг асосий эътибори импорт ўрнини боса оладиган маҳсулот турларини янада кўлайитириш, уларнинг сифатини яхшилашга қаратилмоқда. Жумладан, жамият қошида ташкил этилган шўба корхонада аҳоли талабига мос ана шундай буюмлар учун безак ва шакл яратишга киришилди.

(ЎЗА).



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 16 июл, сешанба №113 (1330)


СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 июл кун Оқсаройда Япония ташқи ишлар вазирининг катта ўринбосари Сэйкен Сугиура раҳбарлигидаги «Ипак йўли энергетик миссияси» вакиллари делегациясини қабул қилди.

Япония Бош вазири Дзюньитиро Коидзуми ташаббуси билан ташкил этилган мазкур миссиянинг номи унинг мақсадларини яққол кўрсатиб турибди. Деда Ислам Каримов учрашувда. Миссия таркибига Япониянинг ҳукумат, ишбилармон ва академик доиралари қаторида, Ўзбекистонга яхши таниш бўлган, мамлакатимиз билан ҳамкорлик борасида бой тажрибага эга банк ва компаниялари вакиллари бўлган ҳам диққатга сазоворлар.

Осиё давлатларининг шу йил апрел ойида Боао (Хитой) шаҳрида бўлиб ўтган форумида Бош вазир Д.Коидзуми минтақамиз мамлакатларининг бутун Шарқий Осиёдаги иқтисодий ҳамкорлик жараёнларига интеграциялашуви уларнинг Япо-



ния билан алоқалари ривож учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаган эди. Унинг

бу ташаббусини рўйбга чиқариш мақсадида энергетика соҳасидаги ҳамкорлик истиқ-

болларини ўрганиш учун «Ипак йўли энергетик миссияси» тузилди.

Умуман, Ўзбекистоннинг Япония билан муносабатлари ҳар соҳада жадал ривожланмоқда. Иқтисодиёт борасида Япониянинг шу вақтгача Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармоёси ҳажми 1,6 миллиард, «Тараққиётга расмий ёрдам» ҳукумат дастури доирасида кўрсатилган ёрдамнинг ҳажми эса 100 миллион АҚШ долларидан ошгани, мамлакатимиздаги қарий барча йирик лойиҳаларда япон сармоядорлари иштирок этаётганини айтишнинг ўзи қийин. Сисёт бобида томонларнинг кўпбал халқаро масалаларга муносабати муштарак, бундан ташқари, Ўзбекистон Японияни БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари сифидан жой олишини кўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўзбекистон ва Япония бир-бирининг террорчиликка қарши кураш борасидаги саъй-ҳаракатларини ҳам маққуллаб, ҳар томонлама кўллаб-қувватлайди.

Оқсаройдаги учрашув чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасида энергетика соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ўзаро алоқалар кўламини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

(ЎЗА).

ЖАВОҲИРЛАР МАСКАНИ

1-Гидрометаллургия заводи - Навоий кон-металлургия комбинатининг йирик корхоналаридан бири. Бу ерда асосан таркибидан олтин ва уран бўлган руда қайта ишланади.

Корхона мутахассислари комбинат марказий илмий тадқиқот лабораторияси билан ҳамкорликда жиҳдий изланишлар олиб бормоқда. Бу ҳамкорлик натижасида кўшимча тегиримон ишга туширилди ва таркибидан олтин бўлган рудани қайта ишлаш ҳажми 1,5 баравар кўпайди. Ана шу йўналишда ишлар давом этириляпти. Иккинчи технология - занжир ишга туширилган, бу кўрсаткич янада ошади.

Маълумки, заводнинг олтин ажратиб олиш ускуналари Мурунтов кони рудаси ҳисобига ишлаётгани боис олтин таннархи анча қimmatта тушяпти. Маҳсулот таннархини арзонлаштириш устида ишлаётган мутахассислар Мурунтов конидан олинётган рудани мейдалаш ва шу йўл билан қайта ишлаш лойиҳасини тайёрлади. Айни кунларда лойиҳани амалга ошириш учун маблағ ажратилмоқда. Лойиҳа амалга ошса, олтин ишлаб чиқариш ҳажми икки хисса кўпаяди ва таннархи анча пасаяди.

Завод муҳандислари, техник ходимлари ичимлик сувини тозалашда фойдаланиладиган сульфидли алюминий ишлаб чиқариш цехини ишга тушириш таклифини ўртага ташлашди. Комбинатнинг бу маҳсулотга бўлган талаби 12 миң тоннани ташкил этади. Ҳозирги кунда сульфидли алюминий Козогистоннинг Павлодар шаҳридан валюта ҳисобига сотиб олинмоқда. Республика миз корхоналарида ҳам шундай маҳсулотга эҳтиёж катта. Шунингдек, Канада, Хитой, Австралия, Бирма каби хорижий давлатлар ҳам сульфидли алюминийга талабдор.

1-Гидрометаллургия заводи жамоаси бу юмшага аллақандай ишга киришган. Янги маҳсулот ишлаб чиқарила бошлангач, ялли маҳсулот чиқариш ҳажми анчага кўпаяди. Шу билан биргаликда кўшимча ишчи ўринлари очилади.

Сульфидли алюминий ишлаб чиқаришда Ангрен қумир конидан олинётган каолин ва Навоий қурилиш бошқармаси мейдалаш заводининг махсус қуми хомашё бўлиб хизмат қилади.

(ЎЗА).

Аҳолининг энг кам даромадли табақаларига — ногиронлар, нафақахўрлар, кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ўқувчи ёшларга, ўзгалар мададага муҳтож одамларга амалий ёрдам кўрсатиш ижтимоий химоялаш тизимининг асосий йўналишидир. Вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан Халқ банкнинг Қашқадарё вилоят бошқармаси Қарши шаҳридаги 1500 оилага 15 миллион сўм, Шаҳрисабз туманидаги 2300 оилага 30 миллион сўм кредит ажратди. Бу маблағга сув ўлчайчи асбоблари сотиб олиниб, хонадонларга ўрнатилди.

Республика Президентининг Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш чора тадбирлари тўғрисидаги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2000-2003 йилларда Ўзбекистон Республикасида банк тизимини ислоҳ қилиш дастури омонатчиларнинг манфаатдорлигини кучайтириш, мижозлар билан ўзаро фойдали шерикчилик алоқаларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Қаршида мамлакатимиз Халқ банки тизимида фаолият кўрсатилган масъул ходимлар иштирокида республика минтақавий семинарининг ўтказилиши бежиз эмас. Чўки бошқарма ходимлари аҳоли кўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш ва уларни реал соҳага йўналиштириш борасида катта тажриба орттирган.

— Бизнинг асосий вазиफамиз банкни мижозларнинг ишончли ҳамкорига айлантириш, — дейди бошқарма бошлайи Норбобо Усмонов. — Асосий фаолиятимиз одамлар кўлидаги бўш пул маблағларини омонатга тортиш ва уларнинг сақланишини кафолатлашдан иборат.

Банк ходимларининг аҳоли билан алоқаси мустақамланганлиги тўғрисидаги давр ичида бўш турган маблағларини омонатга жалб этиш 131,6 фоизга кўпайди. Туман, шаҳар бўлимларида мавжуд СЕЗАМ сейфларининг 245 та

АҲОЛИ БУШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЯНГИ КРЕДИТ ЛИНИЯЛАРИНИ ОЧИШ ИМКОНИНИ БЕРДИ

қутиси фўқароларга ижарага берилиб, мижозлар учун ишончли ҳамкор сифатида фаолият юриятяпти. 2002 йили «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиниши муносабати билан қулай ва имтиёзли янги омонат турлари жорий этилди. Жумладан, «Саховат», «Қадрият» каби қисқа муддатли ютуқли омонатларда 50 миллион сўмдан ортқ маблағ тўпланди. Яна бир қулайлик — Халқ банки аҳолининг дастлабки омонатини қабул қилган бўлиб қаврда жойлашганидан катъий назар мижоз талабига кўра нақд пул маблағлари билан чекланмаган миждорда таъминлайди.

Бугунги кунда жойларда 350 та шохобчалар ишлаб турибди. Яқна тадбиркорларнинг ҳисоб рақамлари бўйича кўрсатилган хизматлар синфатини яхшилаш ва ҳисоб-китоблар тезлигини ошириш мақсадида етти минибанк ташкил этилган. Улар замонавий ҳисоблаш техникаси,

мингдан ортқ омонатига пул таққатилди. Ушбу маблағлар нафақат нақд пул шаклида, балки мижознинг хоҳишига кўра у истаган ҳисобга ёки корхонага кўчириб бериш, мижозларнинг коммунал тўловлар буйича қардорлигини камайтириш орқали ҳам таққатилди. Газ, электр энергияси, ичимлик суви ва бошқа коммунал тўловларининг вақтида тўланишини таъминлаш учун ўз-ўзини бошқариш органлари билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Махалларда кўча касса очиб, коммунал тўловларни йиғиш тўғрисида ҳар ойда бир шохобчага 500 миң сўмгача пул тушмоқда. Коммунал тўловларга индексация ҳисобидан 33 миллион сўм маблағ ўтказиб берилди.

Республика Президентининг Аҳолини аниқ йўналиштирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фўқароларнинг ўз-ўзини бўшқариш органлари ролини ошириш

Фармон ва ижро

компьютерлар, электрон почта билан таъминланган. Президентимизнинг 1995 йил 20 декабрдаги «Аҳолининг омонатларида ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги Фармони асосан ўтган 6 ойда 82

тўғрисидаги Фармонига асосан нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам пуллари тарқатилаяпти.

Ҳусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни кўллаб-қувватлаш учун ўтган ярим йилликда 129,1 миллион сўм миждорда қисқа муддатли кредитлар берилди. Шаҳрисабз туман бўлими томонидан «Дегриз» туманлараро машина трактор корхонасига қилноқ ҳўжалик техникалари сотиб олиш учун 46 миллион сўм кредит ажратилди. Шаҳар аҳолисинга транспорт хизмати кўрсатишда қулайлик яратиш мақсадида «Лизинг» шартномаси орқали «Қарши такси» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятига 4 та «Матри» русумли автомобиллар сотиб олинди.

Ҳузур туманидаги «Улаш бобо» деҳқон ҳўжалиги банкдан кредит олиб туҳум ва парҳез гуш этиштиришни йўлга қўйди. Бундан ташқари аҳолига республикамизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар сотиб олиш учун 82 миллион сўмдан зиёд ўрта муддатли кредитлар берилди.

Ҳўқароларни молиявий кўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий муҳофазалаш, кўрсатилётган хизмат турларини кенгайтиришни кўзлаб «Комфорт» кредити жорий қилинган. Уй-рўзгор буюмлари харид қилиш учун аҳоли 122 миллион 386 миң сўм қисқа ва ўрта муддатли кредитлар билан таъминланди. Янги турмуш қурган йиғит-қизларни кўллаб-қувватлаш учун «Тўёна», талабаларга «Талаба» ва «Тахсил» кредитлари жорий этилди.

И.ТИЛЛАЕВ.

Касаба уюшмалари бозор шароитида

Ҳар биримиз учун иш жойимиз, қадрдон корхонамиз юрагимизга яқин маскан ҳисобланади. Ҳар кунни файзли йўлдан оидмиларканман ишчи-хизматчиларга зимдан назар ташлайман. Қай-фийатлари жойида, ўз ҳаётлари, эришилаётган натижалардан мамнун эканиликлари сезилиб турибди. Бундан корхона касаба уюшма кўмитасининг ҳам хиссаси бор.

дилар. Ўтган йили вакилларимиздан 102 нафари республикамиздаги энг яхши масканларга касаба уюшма йўланмаси билан боришиб, кўнгилли дам олишганди. Бу рақам жорий йилда камида 110 тани

ТУНГИ СМЕНА

ишловчиларига бир йилда ойлик маошларига кўшимча равишда 43 миллион сўм ажратилди

Кўпчилик муҳокамасидан ўтказилиб қабул қилинган жамоа шартномасида меҳнат муҳофазаси, ҳар бир цехда қулай шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилган. Тунги сменада ишловчилар ўзига хос имтиёзларга эга. Жумладан, бепул оватланиш йўлга қўйилди. Ишчи истаган вақтида шу ердаги шифокорга муурожаат этиши мумкин. Дам олиш хонаси дид билан жиҳозланган. Одамлар меҳнатлари қадрланаётганини дилдан ҳис қилишараяпти. Касаба уюшма кўмитаси йиғилишларидан бир-бирида маъмурият олдига ўй-жой масаласи кўндаланг қўйилди. Шундан сўнг энг яхши ишчи-хизматчилардан 26 нафарига ўй-жой сотиб олиш ва қурилиш учун кредитлар ажратилди. Ҳовли тўйларини никоҳ базмларига уланиб кетди. Одамлар

бахтини, қувончини кўриш ҳар бир раҳбару мутахассис учун катта хурсандчилик экан. Яна бир масала. Тунги сменадаги ишларни жонлан-тириш, лаёқатли шоғирдлар тайёрлаш мақсадида моддий манфаатдорликни кучайтирдик. Бир йилда тунги сменада ишловчиларнинг ойлик маошига кўшимча равишда 43 миллион сўмдан ортқ маблағ ажратилди.

Соғлиқни сақлаш вазирилиги тавсиясига кўра, зарарли цехларда фаолият юри-таётганлар тиббий қўриқдан ўтказилди. Бизни қувонтиргани, уларнинг бирортасида ҳам касб касалликлари аниқланмади. Стационар даволашга 44 нафар, санаторий ва курортларга 22 ишчи-ходим тавсия этилди. Шифо масканларига маблағ ўтказганлигимиз ҳисобидан ўнлаб аёлларимиз бепул даволан-

ташқил этади. Бизда ишловчилар яхшигина дивидент олишад. Клуб, кутубхона, спорт иншоотлари жамият аъзолари ихтиёрида. Сўнгги ойларда кутубхона учун зарур адабиётлар, плакатлар келтирилди. Эндиликда «Маънавият маркази» анча гавжумлашиб қолди. Корхонада янги техника, технологияларни жорий этиш бош вазифаримиздан бири. Мақсадага эришиш учун хорихлик тадбиркорлар билан қўндан алоқа ўрнатдик. Ният келажакда жаҳон андозаларига мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

Ш.ИБРОҲИМОВ, Бобур номидаги Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси.

Ислоҳот йўлидаги ров НУРДАГИ СОЯЛАР

Ҳар қандай давлатнинг бугуни ва келажига, маданий-маърифий салоҳияти таълим тизимининг қай даражада ривожланиши билан ҳам белгиланади. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури натижаси ўлароқ мамлакатимизда ушбу тизимни жаҳон андозаларига мос тарзда ислоҳ қилиш, янги илм масканларини қуриш, уларни замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш ишлари изчиллик билан давом этмоқда. Аммо нурдаги соялар мисол тараққиётимизга тўсиқ бўлаётган, эскича иш услубидан воз кечолмаётган айрим кимсалар айби билан мазкур Дастурни бажаришда сусткашликка йўл қўйилиб, тараққиётга тўғаноқ бўлинмоқда.

Шофиркон туманидаги 17-мактаб ночор ахволдаги илм даргоҳларидан бири. Мактаб ҳовлисига қадам қўйишингиз билан кўнглингиз хира тортади. Пастаккина дарвоза қаршисидаги ўнқир-чўнқир йўлакнинг икки томонида уюлиб ётган тоққумир қолдиқлари, қаровсиз ҳовуз, мактаб аталмиш афтоҳол бинолар...

Саратоннинг оловли тафтига қарамай мактаб ҳовлиси 4 киши эски парталарни буюмоқда. Ўзини йўлдош Норов деб таништирган ҳўжалик ишлари бўйича директор ўринбосарининг айтишича, ўқитувчилар кўнгилли бўлиб таъмир ишларини ўзлари бажаришга ташаббус экан. Улар ҳар қанча меҳр билан иш-лашмасин, тутдек тўқилай деб турган ночор бинолар, синик стол-стуллар, парталар, очилса ёпилмай-диган эшик-даразалар, қўйингки муддатини ўтаб бўлган ҳар бир жиҳоз, ҳар бир синфхона ўзининг асл қиёфасини намойён этиб турибди.

(Давоми 2-бетда)

Оролбўйи: репродуктив саломатлик БОШИДА СОЯБОНИ, БАҒРИДА ОНАЖОНИ

Мамлакатимизнинг шимолӣ ҳудуди Амударё туманида ҳам оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни камол топтириш дастури ишлаб чиқилган. Бу мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини мустақамлаш, уларга кўрсатиллаётган тиббий хизматни яхшилаш ва зарур шароит яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустақамлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилингандан сўнг амалга оширилди. Туман ҳокими ва мута-садди ташкилотлар томонидан белгиланган тадбирларда туғиш ёшидаги аёлларни тиббий қўриқдан аёқлаш, улардаги мавжуд касалликларни аниқлаш ва соғломлаштириш, оналар ва болаларга кўрсатиллаётган тиббий ва профилактик ёрдамни кучайтириш, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш каби йўналишлар кўзда тутил-

гани. Аҳолига 465 ўринли марказий, 50 ўринли 3 та кишлоқ шифохоналари, 40 ўринли сил касалликлари диспансери, 6 та кишлоқ врачлик пунктлари ва амбулаториялар хизмат кўрсатаяпти. Янгидан 5 та кишлоқ врачлик пункти қуриб, фойдаланишга топширилди. 150 кишига мўлжалланган болалар поликлиникаси ишлаб турибди.

Туман аҳолиси 147 миң нафар кишидан ортқ бўлиб, туғиш ёшидаги аёллар 54 миң нафарни ташкил этади. Хомилдор аёллар тўлиқ тиббий қўриқдан ўтказилди. 26 миң нафар ба-лоғат ёшидаги ўсмирлар соғлиги қатъий назоратга олинган. Туғиш ёшидаги аёлларнинг 50 фо-

изи контрацепция воситалари билан таъминланди. Касаллиги аниқланган 155 нафар бўлажак оналар республика репродуктив саломатлик ва «Она-бола скрингги» марказида даволанди.

Оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, нуқсонли, ногирон болаларнинг туғилиши, хомиланинг барвақт тушушининг олдини олиш мақсадида «Бехатар оналик», «Репродуктив саломатлигини яхшилаш», «Хомилдор аёлларнинг тўғри овқатланиши», «Шахсий гигиена», «Она сўтининг аҳамияти», «Қақалоқнинг физиологик ўзгаришлари» мавзуларида сўхталар уюштирилди. Туман поликлиникасида ўсмир қизларни гинекологик қўриқдан ўтказиш хонаси таш-

кил этилган. Туманнинг чекка аҳоли яшайдиган ҳудуди Бердақ овули марказдан 107 километр олинсада жойлашган. «Саломатлик маркази» бош врачни Икром Сарибоев, болалар шифокорлари Махмуд Ражабова, Тўтижон Ура-зимбетова, болалар хирурги Ражабобой Болтабоев, акушер-гинеколог Сорахон Алланазарова каби мутахассислардан иборат гуруҳ йўлдош Охунбобоев, йўлдош Ўразбобоев номли «Дўстлик» жамоа ҳўжаликлари ва Қиличбой овулида бўлиб, аёлларни ҳамда қизларни тиббий қўриқдан ўтказилди. Экстрате-нитал касалликларни олдини олиш юзасидан қимматли мас-лаҳатлар беришди. 1 ёшдан 5

ёшгача бўлган болалар доимий тиббий назоратга олинган. «Саломатлик» лойиҳаси асосида 4 ёшгача бўлган болалар вирус-лик гепатит, қизамиқ, бўғма, полиомелиит ва сил касаллигига қарши эмланди.

Қурилган тадбирлар тўғрисида оналар ва болалар ўлими, аёллар саломатлигига зарар етказувчи абортлар сонни кескин камайди. Қариндошлар ўртасида никоҳлар кам қайд этилмоқда. Фарзанд қурган оналарни даволаш учун қўшимча дори-дармонлар ажратилган. Туманнинг «Хоразм» ширкат ҳўжалигида ёши сақсонни қоралаган, иккинчи жаҳон уруши қат-нашчиси Нуриддин бобо Зокиров деган табаррук отахон

Н.ИСЛОМИДДИНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ ДИҚҚАТИГА!

Вазирлар Маҳкамасининг қарори нега бажарилмаяпти?

Қашқадарёда халқ таълими соҳасидаги ислохотларни амалга оширишда муайян ютуқлар билан бирга талайгина камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Масалан, Қосонда олиб борилаётган ишларга «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» талаблари асосида ёндошилса, манзара кундек равшан бўлади. Хозирда туман халқ таълими бўлими ҳисобидан 1 та лицей-интернат, 92 та умумтаълим мактаби, 31 та мактабгача тарбия, 6 та мактабдан ташқари таълим муассасалари ва 1 та ўқув ишлаб чиқариш маркази бўлиб, уларга 50 минг нафарга яқин ўқувчи жалб этилган.

қарзлар 4 миллион 386 минг сўмга тўғри келади. Иш берувчи билан тузилган жамоа шартномасининг айрим шартлари бажарилмаган, хусусан, зарарли ва хавфли шароитда (компьютер, химия лабораторияси, иситиш қозонлари) ишлаётган ходимлар махсус кийим-бош ва химоя воситалари билан таъминланмаган. Яна бир таажжубли томони

таълим мактабидан 32 таси мослаштирилган. Гуваляк қишлоғидаги Б.Низов номи, Бўлмас қишлоғидаги Охунбоев номи, Узунқудуқдаги Н.Хидиров номи мактабларни кўриб, ҳайратланасан киши. Боиси, улар хароба ҳолатида. Қаранг, мутасаддилар таълим-тарбия ишларини давр талаблари даражасида

Таълим муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлашда сусткашлик ҳукм сурмоқда. Каттиқ ва юмшоқ жиҳозлар ниҳоятда кам, қурилиши бошланган мактабларда суръат паст. Болалар боғчаларини тарбияланувчилар билан тўлдириб, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш ҳам қониксиз аҳволда. Молия вазирлигининг назорат-тафтиш бۆшқармаси томонидан ўтказилган текширишларда бу ҳақдаги камчиликлар рўй-рост қўрсатиб ўтилган.

БОҚИМАНДАЛИК БАЛОСИ

Иш берувчи билан таълим ва фан ходимлари касаба уюшма туман қўмитасининг 2002-2003 йилларга мўлжалланган жамоа келишувидан, мактаблар раҳбарияти билан тузилган жамоа шартномаларида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш, ходимлар, уларнинг фарзандларини ижтимоий химоя қилишни кучайтириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Таҳлил шунга кўрсатдики, ижтимоий шерикчилик имкониятларидан ханузгача тўлиқ фойдаланилмапти. Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўлинишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 5-бандига асосан ҳақ тўлашни тартибга солиш ва ўз вақтида тўлашни таъминлаш, маошлар ўз вақтида берилмагани учун иш берувчиларнинг моддий жавобгарлигини кўриб чиқиш касаба уюш-

малари зиммасига юклатилган. Бу ҳақда вилоят қўмитаси жамоаларга неча бор огоҳлантириш хатлари юборганлигига қарамай, гоҳтада муҳим ишда узилишларга йўл қўйилмоқда. Халқ таълими бўлими бош ҳисобчиси вазифасини бажарувчи Завқиддин Аслоновнинг таъкидлашича, ўқитувчиларга иш ҳақи ва меҳнат таътили учун тўланмаган маблағлар (биз борган кунга, яъни 11 июлга) 172 миллион 995 минг сўмни ташкил этибди. Бундан ташқари, ходимларга берилган имтиёзлар учун тўловлардан қарздорлик электр энергияси учун 4 миллион 663 минг сўмни, табиий газдан қарздорлик эса 3 миллион 389 минг сўмни ташкил этади. Бошқа ташкилотлардан кредитор

шундаки, айрим раҳбарлар инсон тақдирини билан боғлиқ масала-муаммоларни ҳал этишда юзакчиликка, совуққонликка йўл қўйишмоқда. Улар Меҳнат Кодекси талабларини қўпол равишда бузиб, ходимларни ишдан бўшатишган. Мисолларга эътиборни қаратайлик, А.Умарий номи мактаб хизматчиси Дилфуза Қувватова бола тарбиялаш таътилидан қайтган, унга ўз ишини бермасдан, сарсон қилишган. Ҳамза номи мактаб директори Ҳ.Раимов маъмурият ташаббуси билан асоссиз равишда вазифасидан озод қилинган. Касаба уюшма аралашуви билан улар ўз ишига қайта тикланилди. Ҳуқуқ-тарбия муассасаларининг моддий-техника базаси ночор. 92 та умум-

таълим мактабидан 32 таси мослаштирилган. Гуваляк қишлоғидаги Б.Низов номи, Бўлмас қишлоғидаги Охунбоев номи, Узунқудуқдаги Н.Хидиров номи мактабларни кўриб, ҳайратланасан киши. Боиси, улар хароба ҳолатида. Қаранг, мутасаддилар таълим-тарбия ишларини давр талаблари даражасида тақчиллик сезилмоқда.

Иzzат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

НУРДАГИ СОЯЛАР

ёхуд олис қишлоқ ёшларининг армони


(Боши 1-бетда)

Шуниси ачинарлики, ҳалигача мактаб газлаштирилмаган, синф хоналаридан файз кетган. — Мактабимизнинг асосий қисми 1928 йилда қурилган, - дейди директор Зайниддин Ҳақимов. - Мана бу мослаштирилган бинолар эса зилзиладан кейин (1976-80й) барпо этилган. Эскини ямаб эсинг кетаркан, бугун таъмирлаб қўйган эшиклар ҳафта ўтмай қийшайиб туради. Қани эди янги мактаб тезроқ қурилса-ю, мен ҳам кўнглим тинчиб ишни ёшларга топширсам. Янги мактаб қурилиши аслида шу ернинг ўзидан бунёд этилса яхши бўларди. Лекин бу режа кимгадир ёқмади. Кимнингдир буйруғи билан қишлоқ чеккасидаги сайхонликда 422 ўринли янги мактаб қурилиши бошланди. Қурилиш учун ўша йиллар бор-йўғи 1 миллион сўм керак эди. 500 минг сўмлик иш бажарилди-ю, қолган ишга қор ёғди... Тўғри, ўша пайтда 8 та синф хонасига эга бўлган икки қаватлик бино қуриб битказилган, лардозлаш ишлари тўла бажарилган эди. Аммо электр энергияси, иситиш тармоғи бўлмаган бу бинога кўчи кириш мақсадга мувофиқ эмасди. Шундан бери қанчадан-қанча идораларга ёрдам сўраб мурожаат қилдик. Аммо фойдаси бўлмади...

гача бизнинг мактабда сабоқ олишган. Директор айтганидек, мактабнинг янги биноси бирор кун дарс ўтилмай туриб тутдай тўкилди. Томларидан чакка ўтиб, деворлари нурай бошлади. Дераза ромлари, эшик-анжомлар талон-тарож бўлди. Яқинда эса ана шу бинода яна қайта иш бошланди... Бу бориб турган ҳужазислик-ку?! — Янги ўқув йилигача мактаб ишга тушишига ишонмайман, - дейди чўртқесарлик билан Йўлдош Норов. — Шунинг учун ҳам қўл қовуштириб тургандан кўра, ҳаракат қилаёلمиз. Ахир муаммоларни четдан келиб, ҳеч ким ҳал қилиб бермайди-ку. 33 та синф хоналаридан 6 таси авария ҳолатида. Директор ўринбосарининг куйини сўзлаганича бор экан, мактабда муаммолар ниҳоятда кўп. Шундай бўлишига қарамай ҳомий ташкилот - Шофиркон вино ширкат бошлиғи Шукрулло Убайдов бирор марта ҳам улар ҳолидан хабар олмаган. Янги қурилаётган мактаб биноси қишлоқнинг чеккасида жойлашган. Атрофи янтоқзор Бухоро вилоят ҳокимлигининг капитал қурилиш бۆшқармаси буортмачиси бўлган бу бинони қуришга 2 - Бухоро жамоа қурилиш акционерлик жамиятига қарашли 203-МПКМ очик турдаги акционерлик жамияти бунёдкорлари бosh пудратчи экан. Аммо, эски тос, эски ҳаммом де-ганларидек, мактаб қурилиши яна ора йўлда қоляпти. Меҳнатқашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси ҳисобланган мактаб касаба уюшма қўмитаси эса ўз нуфузини йўқотган. Қўмита раиси номигагина фаолият юратаяпти. Мактабда шунча камчилик муаммо бўлса-да, касаба уюшмаси ўзини четга олмоқда. Ўқитувчи ва ўқувчилар манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячиси сифатида бонг уриш, раҳбарлар олдида адолатли таклифларни кўндаланг қўйиш ўрнига келишувчанлик йўлини тутган. Қарангки, ўқитувчиларнинг таътил пуллари бир ярим ойга кечикиб берилаётгани, Президент Фармони билан тўланадиган 15 фоизлик қўшимча иш ҳақи ҳам ўз вақтида тўланмагани касабақўм раисини ташвишлантирмапти. Бу аҳволда ўнглиниш, ислохотлар муваффақиятини таъминлаш ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?

Амина ҚОДИРОВА, «Ишонч» мухбири.

Газетамизнинг шу йил 5 июн сонидан Узун туманидаги Ж.Эшмирзаев номи ширкат ҳўжалигида анча йилдан буён битмай келаётган мактаб биносидаги аҳвол, қишлоқлардаги қатор ижтимоий масалалар, ечимини кутаётган муаммолар танқид остига олинган. Шундан сўнг ҳўжалик мутасаддилари тегишли идоралар билан бамаалаҳат иш юритиб, илм маскани қурилишини ниҳоясига етказиш юзасидан аниқ тадбирлар белгиландилар.



Ижтимоий химоя: РАСМИЯТЧИЛИК, ЎЗИБЎЛАРЧИЛИК

Ижтимоий химоянинг муҳим қирраларидан бири меҳнатқашларни дам олдириш, соғломлаштириш, бу борада уларга имкон қадар имтиёзлар беришидир. Бу борада Нуробод туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси ҳам тадбирлар белгиланган. Ҳўш, уларнинг ижроси қандай? Айни пайтда тармоқда 4 минг нафарга яқин ходим меҳнат қилмоқда. Уларнинг 2911 нафари ўқитувчилардир. Муаллимларнинг иш хусусияти бошқа соҳалардан тубдан фарқ қилади. Шу боис, ижтимоий масалаларни амалга оширишда ўзига хос томонларни алоҳида ҳисобга олиш зарур. Бошламасигаёқ айтилайлик, Нуробод туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитасининг ходимларни дам олдириш, соғломлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлари талабга жавоб бермапти. Куйидагиларга эътиборни қаратсан, туман тармоқ касаба уюшма қўмитасига 1997-2001 йилларда санаторийларда дам олиш, саломатликни тиклаш истагини билдирган ўқитувчилардан 99 та ариза тушган, ҳолос. Шунда ҳам уларнинг 21 нафарининг талаби қондирилган. Муҳим ишда маҳаллий имкониятлардан деярли фойдаланилмапти. Ҳикоя қилишарича, соғломлаштириш масаласи бўйича қатор таклифлар киритилган. Бироқ негадир халқ таълими бўлими раҳбарияти эски касал — маблағ етишмаслигини рўқча қилиб, ташаббусларни қўйлаб-қувватламаган. Ҳўш, тармоқ ходимларининг нимадан кўнгли тўлмаяпти? Аввало, тармоқ битимида туман халқ таълими бўлими ва касаба уюшма қўмитасининг ходимларини соғломлаштириш борасидаги мажбуриятларни аниқ ифодаланмаган. Вазифаларни пухта белгилашдан туриб, мақсадга эришиб бўлмайди. Бундан ташқари, айни вақтдаги мавжуд аҳволни пухта билиш алоҳида аҳамият касб этади. Лекин на туман халқ таълими бўлимида, на касаба уюшма қўмитасида касб касаллигига ёки сурункали касалликка чалинган, давола-нишга муҳтож ходимлар ҳақида маълумот бор. Ҳолбуки, Ўзбекистон Респуб-

КАТТАЛАР БОЛАЛАРНИ АЛДАШДИ

Ўқувчи-ёшлар ёзги таътилни мазмунли ва мароқли ўтказишларида кундузги оромгоҳларнинг аҳамияти катта. Буни била туриб, баъзи жойларда муҳим масалага масъулиятсизлик билан ёндошиляпти. Масалан, Фарғона вилоятининг Ёзёвон туманида мавсум олдиндан ўғил-қизларга катта ваъдалар берилганди, яъни бу йил туманда 4 та кундузги оромгоҳ ташкил этиб, 400 нафар бола мириқиб дам олиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилиши ваъда қилинганди. Ёзининг ярми ўтиб боряптики, Ёзёвондаги кундузги оромгоҳлар ханузгача иш бошлагани йўқ. Болаларни алдаш, уларнинг кўнглини ўқитишдан кимга не наф?

К. БОЙМУРОДОВА, «Ишонч» мухбири.

Фарзандларимиз биздан-да бахтли, саодатли, билимдон бўлишлари керак. Бунинг учун мактабларда таълим-тарбия ишларини намунали ташкил этиш тақозо этилади. Ҳўш, илм масканларидаги шароитлардан кўнгил тўлаётими?

Кўргонтепада 49 та умумтаълим мактаби бор. 35 таси типавий, 14 таси мослаштирилган биноларда жойлашган. Табиийки, ёшлар фан кабинетлари, спорт зали, адабиётларга бой кутубхоналар, ошхона ва ўқув лабораториялари бўлган мактабларда ўқиниш озу қилишади. Мутасаддиларнинг таъкидлашларича, ҳокимлик туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда замонавий мактаблар қурилишига эътиборни қучайтирибди. Бироқ тадбир белгилаш хайрли ишининг бошланishi ҳолос. Мақсадга эришиш учун қурилишларни етарли маблағ, ишчи кучи ҳамда материаллар билан таъминлаш даркор. Ҳудди шу асосий масалада ўзибўларчилик, бош-бошдоқлик ҳукм сураётганлиги боис, мактаблар қурилиши чўзилиб кетмоқда. Масалан, Дардоқ, Деҳқончек қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги мослашган, ночор 14, 18, 38-мактаблар ўрнида замонавий илм масканлари қурилиши

«Ишонч» фoш этади

бабини мутасаддилар жўяли тарзда изохлаб бериша олмади. Таажжубки, йил боши-Ишга туширилганга 50 йилдан кўпроқ вақт ўтган. Таълим-тарбия ишлари икки сменда олиб борилади. Спорт зали, компьютерлашган замонавий кабинетлар, дастгоҳлар билан жиҳозланган устaxonалар орзулигача қолмоқда. Иккинчидан, О.Душалиева фаолият юритаётган маскан қаршида қурилиши туя гўшти еган мактаб бор. Бунёдкорлик ишлари 1989 йилда бошланди-ю ташланди. Яъни, 13 йилдан буён ўқувчиларнинг кўйинини пуч ёнгоққа тўлганлиги, пайсалга солиб келинмоқда. Бу орада қурилиш материаллари талон-тарож қилинди, лойиҳалар неча мартаба ўзгарди. Боз устига, хонободлик қурувчилар ушбу объектлардаги 12 та таянч устунларни кўчириб олиб кетдилар. Ҳақли савол турғилади: хўш, чала мактаблар қурилиши қачон битади-ю, олис қишлоқ ёшларига қачон замонавий мактабларда ўқиб насиб этади. Ваъданинг ҳақ чеки бўлиши керак-ку, ахир!

ЯНА ВАЪДАМИ?

Кўргонтепа туманида 13 йилдан буён битмай, сабабсиз чўзилиб келаётган бечораҳол мактаб қурилиши хусусида бошлаб юборилган эди. Туман халқ таълими бўлими мудири И.Зайнобиддинов билан биргаликда қурилишларда бўлганимизда галати манзаранинг устидан чиқдик. Деҳқончек қишлоғидаги ширкат ҳўжалиги маблағи ҳисобига бунёд этилаётган мактаб қурилишда соат 11 бўлишига қарамай ҳеч ким йўқ эди. 100 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиши лозим бўлгани ҳолда, эндигина 10 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилибди. Ушбу қишлоқдаги 24, 38-мактабларда ҳам ҳўвиланган қурилишларга дўх келдик. Биронта қурувчи ёки ҳашарчи қўринмаётганлигининг са-

АЗИЗ ГАЗЕТХОН!

ликлар барҳам топган бўлур эди. Сусткашлик, боқимандаликка берилиш, афсуски, панд берди, қатор режаларнинг рўёбга чикмай қолишига сабабчи бўлди. Ахир она Ватан келажаги бугун биз ёшларга яратиб берган шарт-шароитларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу борада ўйламай босилган ҳар бир кадам, лоқайдлик эртага қимматга тушиши мумкинлигини унуттишасло ҳақимиз йўқ. Дейлик, биргина Навоий вилоятида кўплаб мактабларда машғулотлар икки, ҳатто уч сменда олиб борилаётгани, қатор

Собиржон РЎЗИМТОВ, «Ишонч» мухбири.

илм масканлари ночор аҳволдалиги, уларнинг 60 фоиздан ортиғи спорт заллари, 21 фоизи футбол, 13 фоизи эса волейбол майдонлари билан таъминланмаганлиги, пировард-натижада ушбу вилоят битирувчилари билим савияси бўйича мамлакатда энг куйи ўринда турганлигини ўйлаш нақадар оғир. Тахририят мақолаларда қайд этилган вилоят ва туман ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси эътиборини барчани ҳақли равишда ташвишлантираётган камчилиги муаммоларга қаратиб, улардан амалий саъй-ҳаракатлар қутиб қолади.

Ушбу саҳифада Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш билан боғлиқ жиддий камчиликлар, соҳада йиғилиб қолган, одамларни ўйлантираётган, ташвишлантираётган муаммолар ҳолисанилло ўртага ташланди. Мақсад — аввало умумхалқ, умумдавлат аҳамиятига молик ушбу масалалар ечимига бевосита жавобгар бўлган мутасаддилар масъулиятини яна бир бор таъкидлаб, жойлардаги ҳақли эътирозларни уларга етказишдир. Шубҳа йўқки, агар мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланилганда ва ташаббус кўрсатиб, иш омилиқлик билан ташкил этилганда кўплаб муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлган, камчи-

РУСТАМ ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

Одамлар ҳақида меҳрибонлик қилиш, истиқболни ўйлаб иш туттиш ҳар бир раҳбар мутахассиснинг бурчидир. Ҳамма гап юқорида фикр юритилган масалаларга жиддий эътибор беришда, ташаббусга ташаббус қўшиб, одамларни эзгу ишларга сафарбар эта билишга қолган.

Саволларингизга мутахассис Йўлдош ТУРСУНОВ жавоб беради

ПЕНСИОНЕР ВАФОТ ЭТГАНДА ДАФН НАФАКАСИ БЕРИЛАДИМИ?

Пенсионер вафот этган тақдирда марҳум пенсионернинг оиласи ёки уни дафн этиш билан боғлиқ маросимларни амалда ўтказган шахсга ижтимоий таъминот бўлими томонидан икки ойлик пенсия миқдоридан аммо энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан кам бўлмаган ҳажмида тўланади. Ушбу нафақа пули пенсионер вафот этган кундан бошлаб олти ой давомида мурожаат қилинса берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДАН ЧИКИБ КЕТГАН ФУҚАРОЛАРГА ПЕНСИЯ ТЎЛАШ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Чет элга доимий яшаш учун чикиб кетишдан олдинроқ тайинланган пенсиялар туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига чикиб кетиш тўғрисида ариза берилган кундаги ҳолатга кўра, пенсия миқдори ҳисобидан чет элга чикиб кетиш олдида 6 ой аввал тўланади.

Бу фуқароларнинг чет элга бўлган вақти учун, агар давлатлараро битимларда (шартномаларда) ўзга қоидалар назарда тутилмаган бўлса, меҳнатда майиблиниши ёки касб касаллиги оқибатида тайинланган пенсияларгина тўланади.

Пенсионер Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги чегарасига чиққанда масала бошқача ҳал қилинади. МДХ давлатлари — қатнашчилари фуқароларининг пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқларининг кафолати тўғрисидаги Битимга мувофиқ МДХ чегарасига кўчиб ўтганда, олдинги яшаш жойидан пенсия тўлаш тўхтатилади. Агар пенсиянинг шу тури янги кўчиб ўтган жойдаги қонун бўйича кўзда тутилган бўлса, тўлаш қайта тикланади.

Ўзбекистон Республикаси билан Молдова Республикаси ўртасида пенсия таъминоти соҳасида тузилган икки томонлама Битимга кўра, кўчиб ўтилган тақдирда пенсия тўлаш тартибидан бир мунча кўпроқ имтиёз кўзда тутилган. Янги тураржойда пенсия олдинги жойда тўхтатилган ойдан кейинги ойдан бошлаб, бироқ рўйхатдан ўтганга қадар ёки яшагача рухсат олгунгача бўлган ойдан бошлаб 6 ойдан

кўп бўлмаган муддатга тайинланади.

ОЗОДЛИКДАН МАХРУМ ҚИЛИНГАН ПЕНСИОНЕРГА ПЕНСИЯ ТЎЛАНДИМИ?

Ёшга доир пенсия олувчи пенсионер жиноят содир этиши туфайли суднинг ҳукми билан қамоқ жазосига ҳукм этилса ёки озодликдан маҳрум этилса, суд ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб у қамоқдан ёки озодликдан маҳрум этиш жазосини ўташ жойидан озод қилинган ва пенсия тўлашни сўраб мурожаат қилган кунга қадар пенсия тўлаш тўхтатиб қўйилади. Пенсия тўлаш пенсионер озод этилган, пенсия тўлашни сўраб яшаб турган жойидаги ижтимоий таъминот бўлимига ёзма ариза билан мурожаат қилган кундан бошлаб қайта тикланади.

Ҳукм қонуний кучга кирганига қадар дастлабки тергов вақтида ва иш судда кўрилатган даврда пенсия тўлашни тўхтатиб туриш қонунда кўзда тутилмаган. Шунингдек, пенсионер содир этган жинояти учун қамоқ ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланганида ҳам (жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва ҳоказо) пенсия тўлашни тўхтатиб туришлик назарда тутилган эмас.

ПЕНСИЯДАН ЧЕГИРМА ҚИЛИШ (УШЛАБ ҚОЛИШ) ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ МУМКИН?

Пенсиюлардан чегирмалар:

- а) суднинг ҳал қилувчи қарорлари, ажримлари, қарорлари ва ҳукмлари (мулкий ундиришлар борасида), нотариал идораларнинг ижро варақалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ суд ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга ошириладиган бошқа ҳал қилув қарорлари ва қарорлар асосида;
- б) туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг қарорига биноан — пенсионерга унинг томонидан қилинган суистёмолликлар оқибатида (қасддан нотўғри ҳужжатларни тақдим этиш, боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган оила аъзолари таркибидagi ўзгаришлар ҳақида маълумотлар тақдим этмаслик натижасида) ёхуд ҳамблаглаш бўшқа ҳал бошқа техник хатолар оқибатида пенсия миқдоридан ортиқча пуллар тўланган тақдирда қилиниши мумкин.

Пенсиялардан юқорида кўрсатиб ўтилганидан ташқари бошқа ҳеч қандай чегирмалар қилиш мумкин эмас. Пенсиядан чегирмалар қилиш миқдори пенсионерга тўланиши лозим бўлган пулдан ҳисоблаб чиқарилади. Хар ойлик чегирмалар миқдори пенсиянинг 50 фоизидан ошиши мумкин эмас. Ортиқча тўланган пенсия пули бўйича қарздорлик тўлиқ узилгунга қадар пенсия тўлаш тўхтатилган ҳолларда



(масалан, меҳнат қобилияти тикланганлиги туфайли) қолган қарз суд тартибидан ундирилади.

Пенсиядан ушлаб қолишнинг батафсил рўйхати юқоридагилардан иборат бўлиб, бошқа асосларга кўра ундан ушлаб қолиш мумкин эмас. Пенсиядан ушлаб қолиш тўғрисидаги қарор куйдаги органлар томонидан қабул қилиниши мумкин:

- 1. Фуқаролик ишларини мазмунан кўриб, ҳал қилган фуқаролик ишлари судлари;
- 2. Жиноят ишларини кўрган ва мулкий зарарини ундириши ҳақида ҳукм чиқарган жиноят ишлари бўйича судлар;
- 3. Нотариал ҳаракатларни бажарувчи давлат нотариал идоралари нотариуслари;
- 4. Фуқаролардан қарз суммаларини низоосиз тартибда ундириб олиш ҳуқуқи берилган маъмурий идоралар.
- 5. Туман (шаҳар) ижтимоий таъминоти бўлимлари.

ПЕНСИЯДАН СОЛИҚ УШЛАНДИМИ?

Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 67-моддасида ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 58-моддасида «д» бандига мувофиқ давлат пенсиялари, шунингдек, уларга қўшиб бериладиган устамалар фуқароларнинг солиқ солинмайдиган даромадлари қаторига киритилган.

ЧЕРНОБИЛ ҚАТНАШЧИСИГА ПЕНСИЯ БЎЙИЧА ИМТИЁЗ

Саволингизга ҳуқуқшунос Гулнора МУРОДОВА жавоб беради

САВОЛ: 1 гуруҳ ногирониман. Чернобил ҳалокати оқибатларини тугатишда қатнашганим. Мен қай тартибда пенсия оламан? Д.НУРМАТОВ, Пахтакор тумани.

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг «Черно-

миноти» ҳамда «Харбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунлари билан белгиланиши мумкин. Энди юқорида айтиб ўтилган уч тоифа фуқароларига пенсия тайинлаш тўғрисида алоҳида-алоҳида тўшунча бериб ўтсак.

1. Хизмат сафарига юборилганларга ногиронлик пенсияси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 апрелдаги 170-сонли қароридан белгиланган тартиб бўйича тайинланади. Бунда ўртача иш ҳақини ва пенсия миқдорини ҳисоблашда куйидагиларга эътибор бериш керак:

- а) ўртача бир ойлик иш ҳақини ҳисоблаш учун Чернобил фожеаси оқибатларини бартараф этишда қатнашган даврининг давомийлигидан қатъий назар Чернобилдаги иш ҳақидан ёки хоҳишига кўра бутун меҳнат фаолиятидаги хоҳлаган беш йилликдаги иш ҳақидан ҳисоблаш мумкин;
- б) Чернобилдаги ёки хоҳлаган беш йилликдан ҳисобланган ўртача бир ойлик иш ҳақи энг кам иш ҳақининг 7 қарраси билан чегараланмайдиганлиги; в) ногиронлик пенсияси соғлиғига etkazилган зарар (фоиз) миқдорда (боқувчисини йўқотганлик пенсияси эса ҳар бир боқувчига 40 фоизда) тайинланади;
- г) пенсия миқдори, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 январдаги 7-сонли қарорига мувофиқ ўрнатилган тартибда белгиланган энг юқори миқдорлари билан чегараланмади. Улар куйидагича:
- 1 гуруҳ ногиронларига энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдоридан;

II гуруҳ ногиронларига энг кам иш ҳақининг 8 баробари миқдоридан; III гуруҳ ногиронларига энг кам иш ҳақининг 4 баробари миқдоридан; боқувчисини йўқотган ҳолларда меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир оила аъзосига энг кам иш ҳақининг 3 баробари миқдоридан белгиланади.

Пенсияларнинг энг кам миқдорлари кўрсатиб ўтилган энг кўп миқдорларнинг тегишлича 50 фоизи даражасида белгиланади.

д) Пенсия миқдори кам чикса, энг куйи миқдорларда белгиланади. I гуруҳ ногиронларига энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдоридан; II гуруҳ ногиронларига энг кам иш ҳақининг 4 баробари миқдоридан; III гуруҳ ногиронларига энг кам иш ҳақининг 2 баробари;

боқувчисини йўқотган ҳолларда меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир оила аъзосига 5917 сўм 50 тишин миқдоридан белгиланган.

е) Пенсияга оилавий кўшимча ёки оширишлар белгиланмади.

2. Чернобил зонасида муддатли хизматни ўтаган ҳарбий хизматчиларга ногиронлик пенсияси тайинлашда ўртача иш ҳақини ва пенсияси миқдорини ҳисоблашда куйидагиларга эътибор бериш керак:

- а) ногиронлик пенсияси (улар вафот этганда боқувчисини йўқотганлик пенсияси), 1990 йил 28 апрелдаги «Харбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун ёки «Харбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун билан тайинлангани мумкин.
- б) Пенсия миқдори энг кам иш ҳақининг беш баробаридан ногиронлик гуруҳига қараб, 3-гуруҳ -

50%, 1- ва 2-гуруҳ - 75% миқдорда ҳам ҳисобланиши мумкин;

в) Агарда муддатли хизматни ўтаган ҳарбий хизматчи хизматидан олдинги иш ҳақини ёки пенсияни қайта ҳисоблаш учун хизматдан кейинги даврдаги беш йиллик иш ҳақи тўғрисида маълумот тақдим этса, иш ҳақи энг кам иш ҳақининг 7 қарраси билан чегараланиб, сўнгра пенсия миқдори чегараланмасдан ҳисобланади.

г) иш ҳақидан ҳисобланган II гуруҳ ногиронлик пенсияларига ёшга ҳақидан миқдорнинг 25 фоиз миқдоридан ошириш белгиланмади;

д) 25% ошириш ҳамда ҳарбий унвони учун оширишлар фақат қатъий миқдорда тайинланган пенсияларга берилади;

е) қарамогидаги оила аъзоларига бериладиган кўшимчалар эса иш ҳақидан ҳисобланганлик ёки қатъий миқдорда тайинлангани, фақат иш-лашмаслики талаб этади.

3. Чернобил фожеаси оқибатларини бартараф этиш учун ҳарбий комиссариатлар орқали махсус йигинларга чиқарилган ҳарбий мажбуриятли фуқаролар (уларнинг оилаларига) ногиронлик пенсиялари хоҳишига кўра хизмат сафарига юборилганлар сингарига 1993 йил 3 сентябрдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун ёки «Харбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун билан тайинлангани мумкин.

Бу тоифадаги фуқароларга пенсияни энг кам миқдордаги иш ҳақининг беш баробаридан ҳисоблаш кўзда тутилмаган.

ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИДАГИ УЛУШИМ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Саволингизга мутахассис Маҳмуджон ИСАЕВ жавоб беради

САВОЛ: Кўпгина хўжаликлари ширкат жамоа ва давлат хўжалигига айланти-

рилган. Демак, ширкатга қарашли барча мол-мулк ва ашёлар ширкат аъзоларининг умумий мулк ҳисобланади. Мен бир неча йил ширкат хўжалигида ишладим. Ҳозир бошқа ерга ишга ўтганман. Шу сабабли ширкат мулкидан ўзимга тегишли бўлган қисмини қандай қилиб олишим мумкин?

Э.САРИЕВ, Кўшработ тумани, Ф.Ғулмо кўчаси 51-уй.

ЖАВОБ: «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонунга биноан ширкат хўжалигининг Устав жамғармаси икки қисмдан иборат бўлиб, унинг бир қисми бўлинмас жамғарма, ик-

кинчиси эса — пайчилик жамғармасидир. Пайчилик жамғармаси ширкат аъзоларининг мулкий улушлари пайлардан таркиб топади. Амалдаги қонун ҳужжатларига биноан агар аъзо ширкатдан фермер хўжалигини ташкил этиш ёки бошқа ширкатга ўтиш мақсадида чикса, унга унинг улуши томонлар ўзаро келишиб олган тартибда ажратиб берилади. Вафот этган ширкат аъзосининг меросхўрлари унинг улушини олиш ёки ширкатга аъзо бўлиш ҳуқуқига эгадирлар. Ширкат хўжалиги тугатилганда унинг барча аъзоларига ўз улушларига даъво қилиш ҳуқуқи берилган.

«ЧАТААН» КЕТИБ, «ХАЛАНГ» КЕЛЯПТИ

Тараққиёт қанчалик ривожланмасин инсон ҳали ҳам табиат инжиқликлари олдида ожиз қолаёттир. Фан-техника ютуқлари одамзотга фақат табиий офатлардан ҳимояланиш ёки унинг оқибатларини тугатиш учунгина асқотмоқда. Инсон зилзила, тошқин ё кучли ёнғинларни бошланмасданок тўхтатиб қўйишга қурби етмапти. Уммонлардан кўтарилиб, соҳилларга ёпирилаётган довуллар ҳам ана шундай даф қилиб бўлмас дахшатли офат ҳисобланади. Бунга бир ҳафтадан буён Тинч океани ва Шарқий Осиё минтақасига ёпирилган «Чатаан»ни нисол келтириш мумкин. Бу довул ҳозиргача саксондан ортиқ одамнинг ҳаётига зомин бўлди.

Кучли тропик довул 5 июл куни Тинч океани фарбидаги Микронезия оролларида бошланган эди. Тошқин ва кўчкилардан орол аҳолиси кўп зарар ва талафат кўрди. Курбонлар сони қирққа етди. Дахшатли тўфон АҚШга қарашли Гуам ороллариин ҳам четлаб ўтмади. Кучли шамол дарахтларни кўпориб, кўплаб уйлариин сув остида қолдирди. Шундай бўлса-да, довул орол аҳлига бироз «рахмдиллик» қилди. Курбонлар бўлмади. Бироқ, Филиппинга келиб у яна куттура бошлади. Ўтган яқшанба куни Филиппин ороллари куни буйи «Чатаан» ҳукми остида бўлди. Лусан оролининг аксар худуди сув остида қолди. Пойтахт Маниланнинг ўзида ўн минг киши дахшатга тушиб, уй-жойини тарк этди. 37 киши қурбон бўлди.



Тўрт кишининг дараги йўқ. Жароҳатланганлар сони ҳам анчагина. Шу кунларда «Чатаан» довули Япония оролларига ёпирилган. Жума куни соатига 80 километр тезлик билан ҳаракатланаётган куюн Хоккайдо оролида юзлаб бино ва иншоотларни вайрон қилди. Довул айниқса оролининг марказий ва жануубий худудларига катта зарар етказди. Беш киши тошқин қурбони бўлди. Улар орасида икки нафар ўқувчи ҳам бор эди. Маҳаллий ҳокимият 145 минг кишини хавфсиз жойга кўчиришга қарор килди. Бир кун давомида оролда транспорт ҳаракати тўхтаб турди, самолётлар учмади, теъжорат поёзлар қатнамади. Бундан ташқари, кўчкилар автомобил йўлларини тўсиб қўйди. Мамлакат метеорология хизмати мутахассисларининг таъкидлашича, 12 июл куни эрталаб довул Япония ороллариин тарк этиб Охота денгизи томон силжийди. Уларнинг фикрича, бир ҳафта авжда юрган довул ҳозир кучини анча йўқотган. Шу боис у Россия учун унчалик катта хавф тугдирмади. Лекин Тинч Окени ва Шарқий Осиё минтақаси аҳолисининг хотиржамликка берилишига ҳали эрта. Гуам оролларида яна бир фалокат бошланмоқда. Бу гал «Чатаан»дан-да дахшатлироқ «Халанг» довули уйфонган. У кўпроқ талафат етказиши мумкин. Шамол соатида 126 километр тезликда эсмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу йилги мавсумда энг кучли деб башорат қилинаётган «Халанг» ҳам «Чатаан» юрган йўллардан ўтади. Шу сабабли минтақа аҳолиси табиатнинг навбатдаги зарбасига тайёргарлик кўрмоқда.

Саидмурод РАХИМОВ, ЎЗА шархловчиси



КИШИ БОШИГА — 1,5 ДОЛЛАР

Россия аҳолини рўйхатдан ўтказишга ошиғич ҳозирлик кўрмоқда. У куз фаслида, аниқроғи, 9-16 октябр кунлари бўлиб ўтади. Кенг миқдосдаги ҳар қандай тадбир катта маблағни талаб қилади. Ҳисоб-китобларга қараганда, аҳолини рўйхатга олиш чоғида киши бошига 1,5 доллардан сарфланади. Бу унчалик кўп эмас, шундай тадбирни бошдан кечирган Шарқий Европа мамлакатларида қилинган харажатга тўри келади. Масалан, бунинг учун Руминия ва Болгарияда ҳар бир фуқарога 1 ва 1,5 доллар сарфланган бўлса, Польшада бу рақам 3 долларни ташкил этган эди. Аҳолини рўйхатдан ўтказиш учун энг кўп маблаг 2000 йилда АҚШда сарфланган, яъни ҳар бир кишига 24 доллар «совурилган», ўшанда барча харажатлар 6 миллиард доллардан ошиб кетганди.

СУРАТГА ОЛИШ МАЙДОНЧИСИДА

Британия қиролчаси Елизавета иккинчининг «Эммердейл» телесериали суратга олиниш жараёнини бевосита кузатишга

САЁРАМИЗ САДОСИ

бўлган қизиқиши кўнгилсизлик билан ниҳоя топишига сал қолди. Сценарий бўйича қишлоқда жойлашган почта бўлинимаси портлаши лозим эди. Шундай бўлди ҳам. Лекин портлаш тўқлини режадагидан анча кучли бўлганлиги боис ясама почта бўлинимаси парчаланиб, кўчанинги нариги томонигача сочилиб кетди.

САЁРЛАР БЎЛИНМАСИ ЮБОРИЛАДИ

Афғонистонда жойлашган Британия денгиз десанти ўзига юклатилган энг сўнгги аксилтерор операцияни тугатган, ватанга қайтадиган бўлди. Хост шаҳри яқинида ўтказилган уч кунлик операция чоғида «Толитон» ҳаракати ва «Ал-Қоида» гуруҳига тегишли бир қанча ас-лаҳахона аниқланди ва йўқ қилинди. Айни вақтда Эстония ҳукумати АҚШ томонининг илтимосига кўра Американинг Афғонистондаги ҳарбий базасини му-

УГО ЧАВЕСНИНГ МУРОЖААТИ

Бундан уч ой муқаддам Мексикада давлат тўнтариши қилишга уриниш чоғида 18 киши ҳалок бўлганди. Шу муносабат билан мамлакат пойтахти Мехикода кўпминг кишилик намоийш бўлиб ўтди. Мухолиф кучлар Президент Уго Чавеснинг истеъфого чиқишини талаб қилиб, юз бераётган иқтисодий таназзул учун уни айбандилар. Президент миллий телевидение орқали чиқиш қилиб, ўз мухолифлари ва тарафдорларини босиқлик билан иш туттишга, мамлакатни қонга ботириши мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатлардан сақланишга чакирди.

ЎЗИНГА ЭХТИЁТ БЎЛ...

Касалликни даволашдан унинг олдини олган афзал, деб бежиз айтишмайди. Исроил ҳукумати ҳам ана шу ақидага амал қилиб, ёзнинг иссиқ кунларида

кўпайиб кетиши натижасида турли хасталикларни ташувчи ҳашаротлар — чивуну канадан химояланиш мақсадларига 2,1 миллион доллар ажратишга қарор қилди. Бу маблаг санитария ва экология хизматлари ўз вазифаларини бекаму кўст адо этиши учун сарфланади.

Мутахассислар бу тадбир ўз самарасини беришига ишонч билдирмоқдалар. Чунки вируслар ҳужудини 2000 йилда оғир хасталикка учраган 29 киши дунёдан кўз юмган бўлса, кўрилган чора-тадбирлар оқибатида ўлим билан тугаган ҳолат 2001 йилда бор-йўғи 3 марта қайд этилди.

ДЕНГИЗДА — ЁНГИН

Охотск денгизида кичик балиқчилик кемасида ёнғин чиқиши оқибатида уч киши ҳалок бўлди. Ҳайриятки, олти киши кутқарув қайиқларида воқеа содир бўлган жойдан қочиб қолишга улгурди. Кема капитанининг айтишича, машина бўлинимасида ҳарорат мейёридан анча ортиб кетиши натижасида ушбу фалокат юз берган.

Мирзо Содик Мунший Жондорий XVIII асрнинг иккинчи ярми — XIX аср бошларида яшаган бухоролик шоир. Шайх Саъдий ва Хўжа Хофиз аъёналарини давом эттирган, Бедил ва Соибга эргашиб, шақлан гўзал ва мазмунан теран ғазаллар ёзган. Мирзо Содикни замондошлари «Бухоро Бедили» деб улуғлаганлар. Чунончи, Мирсидиқ Хашмат «Тазкират уш-шуаро» асариде уни «Мажлиссафруъ» маснавийсининг муқаддимасида «сўз иқлимнинг шаҳаншоҳи», деб улуғлайди. Қори Раҳматуллоҳ Возех: «Бадийҳағўйлик, ҳозиржавоблик ва сўзни топиб айтишда даврининг ягонаси эди», - дейди.

Мирзо Содикдан икки шеърлий девон мерос қолган: улардан бири — ғазаллар, иккинчиси — маснавийлар, мухаммаслар, қитъалардан иборат. Ғазаллар девони 345 ғазал, 14 мухаммас, 59 рубоий, ахлоқ мавзуидаги 20 қитъа, 2 қасида, 34 муаммо ва 20 фардан иборат. Иккинчи девони «Даҳмаи шохон» («Шоҳлар даҳмаси»), «Рафъи тумани Охугиру Хайробод» («Охугир ва Хайробод туманларига саёҳат») маснавийлари, «Қазою қадар» ва «Бадухтарэ ошиқ шудани дарвеш» («Дарвешнинг бир қизга ошиқ бўлиши») манзумалари ҳамда 33 та тарих-қитъани ўз ичига олади.

Мирзо Содик «Ахлоқ» номли бир рисола ҳам ёзган. Маълумки, Мирзо Содик Донёл, Шохмурод ва Хайдар каби мангит амирлари саройида мунший вазирида хизмат қилган. Унинг хизмат тақозоси билан ёзган мактублари ва хуж-

жатлари ҳам бир тўплам ҳолига келтирилиб, унга «Муншаот» деб ном берилган. Шунингдек, у моҳир хаттот ҳам бўлган: бир қанча баёзлар тузган, турли тўплам ва девонларни кўчирган.

Мирзо Содик ўз истеъдодини кўпроқ ғазалларида намоён этган.

ИСТЕЪДОДИ ҒАЗАЛЛАРДА НАМОЁН

Шоир ғазаллари ёниқ ҳис-туйғуларга йўғрилган, бадий тасвир воситаларига бой мазмуни теран, фалсафаси қуюқ, шақлан гўзал ва мукамал. У гарчанд аъёнаний мавзуларда қалам тебратган бўлса-да, оҳорли фикрлар айтишга, ўзининг янги фикру мулоҳазаларини ифодалашга, шу тариқа аъёна бағрида янгилик яратишга интилади:

Бошад муҳаббат ончун покиза дурри бебахо, Натвонад ўро доштан ҳар сифлау дун дар багал.

Мазмуни: «Муҳаббат шундай бебахо покиза дурки, ҳар қандай паствакш ва тубан кимса уни қўлга киритолмайди».

Муҳаббат ўзи эски бир нарсаю ҳар бир юрак уни янгилайди, деганларидек ҳар қандай кишининг ҳам буюк неъмат бўлмиш севгига

муносиб эмаслиги хусусида «қўб ва ҳуб» ёзилган. Неча минг марта неча минг усулу услубда айтилган бу фикрни Мирзо Содик ҳам ўзига хос шаклда айтиди: ҳеч нарса ўз зидди билан бирга бўлолмагани каби мазмун-моҳиятига кўра пок хилқат бўлмиш муҳаббат ҳам шукр қил: кўксинг садафининг маъно дурларига лиммо-лим эканлигининг ўзи сенга кифоя эмасми?»

Маълумки, Муҳаммадали Соиб ва Мирзо Бедил каби Ҳиндистондаги форсий адабиёт намояндлари ғазал жанрини ҳам шақлан, ҳам мазмунан янгиладилар, унинг мундарижасини кенгайтирдилар. Шу тариқа, сабки ҳинди — ҳинд услуби сифатида улар ғазалчиликка киритган янгилик Шарқ мамлакатларида машҳур бўлди. Садриддин Айнийнинг шаҳодат беришича, XVIII аср охири ва XX аср бошларида яшаб ўтган ўзбек ва форстожиқ шоирларнинг кўпчилиги Бедилга эргашган, унинг таъсирида бўлган. Содикнинг қатор ғазаллари ҳам худди шу — ҳинд услубида ёзилган.

Ҳинд услубининг моҳияти шундан иборатки, биринчи мисрада шоир бир фикрни илгари суради, иккинчи мисрада уни тасдиқловчи ҳикматли ёки образли фикрни келтиради. Бу услубда битилган шеърларнинг бадийи теран ва юксаклиги ҳам, уларни тушунишнинг оғир ва мураккаблиги ҳам шунда.

Мазмуни: «Содик, агарчи молу дунёнг бўлмаса-да, ҳаётингдан

напоқ кўнгилларида макон тутолмайди.

Содикнинг бутун умри ҳукмдорлар хизматига ўтган бўлса-да, у фақирона кун кечирган. Чунки у, ўзи айтмоқчи, таваккул этагини маҳкам тутиб, тамаъ ёқасидан сира бошини чиқармаган:

Накардам ҳеч сар аз гиребони тамаъ берун, Биҳамдиллаҳ, ки домони таваккул буд дар дастам.

Мана бу қитъасида шоир ўзининг фақирлиги, омадсизлигини наолиш баробарида ўз фазлу камолидан шукроналик туйғуларини изҳор қилади:

Содик аз рўзгор шокир бош, Нест ғам, гар на симу зар дори. Бар ту бас он жаҳоҳири маъни, Садафи сина пурғуҳар дори.

Мазмуни: «Содик, агарчи молу дунёнг бўлмаса-да, ҳаётингдан

Айни ҳижатдан улар кўпинча бир-бирига боғланмагандай туюлади, алоҳида-алоҳида мустақил мисралардай таассурот қолдиради. Улар аслида шаклан эмас, мазмунан, зоҳиран эмас, ботинан боғланган. Чунончи, Мирзо Содикнинг: **Алоқ мениҳад домони ҳоҷат бар кафи золим, Набошад захмати чоки гиребон шахси урьёбро,** —

байтидаги мисралар зоҳиран қараганда бир-бирига боғланмайди, улар ўзича мустақил. Биринчи мисрада: «Дунёга ҳирс қўйиш эҳтиёж этагини золим қўлига тутиб беради», яъни манфаат бўлмаганда биров бировга муҳтож бўлмас эди, деган фалсафий фикр ифодаланган. Иккинчи мисрада эса: «Яланғоч киши ёқасини чок этиш ташвишидан холи, чунки унда ёқанинг ўзи йўқ», деган тамомила бошқа бир мулоҳаза акс этган. Бу икки мисрани бир-бирига боғлайдиган мантқиқ куйидагича: «Яланғоч киши ёқасини чок этиш ташвишидан холи бўлгани сингари манфаати бўлмаган одамнинг ҳам бировга эҳтиёжи йўқ».

Албатта, Содик шеърлари тасавуф таъсиридан ҳам холи эмас: у ҳам буюк салафлари каби илоҳий ишқни ёниб куйлайди. Қуйидаги байтида у ана шу буюк ишққа мубтало бўлганлиги учун ҳам ўз шеърларидан ҳаддан ташқари дард билан битилганини лутф этган эди:

Аз ин тарзи ғазал бисъёр бўи дард меояд, Ба дарди ишқ Содик мубтало будаст,

Тарихдан садолар
донистам. Хофиз ғазалига боғлаган мухаммасларидан бирида Содик ўзининг ишқ дастиде ўртаниб, Хофиз даражасига етганлигини таъкидлайди:

Содик ба ғамат ба сони Хофиз.

Шоир шеърлари оҳорли фикрлар, ташбеҳу тимсолларга бой: у хамиша янги фикрни образли усулда ифодалашга интилади. Чунончи:

Ба хобат, гуфти, хоҳам омадан имшаб, чи суд аммо, Ки аз шоди намеояд маро дар диде хоб имшаб.

Мазмуни: «Бу кеча тушинга кираман, деб ваъда қилдинг, афсуски, бу орзу амалга ошмайди деганга ўхшайди, чунки энди қувонганимдан қўзимга уйку келмайди».

Ўзбек адабиётшунослигида Қўқон ва Хоразм адабий муҳити анча-мунча ўрганилгани ҳолда, Бухоро адабий муҳити бир қадар четда қолиб келаяпти. Холбуки, Бухородаги адабий муҳит ҳам ўзбек адабиётининг ажралмас таркибий қисми. Бинобарин, улар ҳаёти ва ижодини ўрганиш, дурдона асарларини халққа етказиш ўзбек адабиётшунослигини кенчиктириб бўлмас вазифаларидандир.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди.

ОЛТИН ТҶЙ АРАФАСИДА... АЖРАЛДИЛАР

Ҳаётда эр-хотиннинг ажралиши янгилик эмас. Лекин бунақаси камдан-кам бўлади. Ҳар ҳолда иш фаолиятим мобайнидаги суд амалиётида бундай ҳолга дуч келмаганман. Бу воқеага изоҳ топиш қийин. Ҳар ким ўзи хулоса чиқариши керак.

Шарқона истиҳоло, инсоний андиша туйғуларининг исми-шарфларини ошкор этмайди. Ажралиши юзасидан даъво аризаси берган эр 75 ёшда. Хотин эса ундан атига беш ёш кичик. Уларнинг саккиз нафар фарзанди бор. Ҳаммаси уйли-жойли бўлиб кетишган. Бу ёғи не-вара, эваралар дегандай. Улар никоҳдан ўтганлигининг 50 йил-

Турмуш чорраҳаларида

лиги муносабати билан олтин тўйни нишонлашлари мумкин эди. Афсуски...

Судда даъвогар чол кампирни анча йилдан бери хасталигини, унинг хизматларини бажара олмаётганлигини асос қилиб кўрсатди. Шўрлик кампир ҳам бу аҳвол 15-20 йилдан буён давом этаётганини тан олди. Иккаласи ҳам шу вақт мобайнида алоҳида яшаётганликларини, ўртада мулккий низо йўқлигини, қонуний никоҳлари бекор қилинишига рози эканликларини эътироф этишди. Қисқаси, бу оилада эр-хотинлик муносабатлари бутунлай барбод бўлган. Шунга кўра суд мазкур оилани сақлаб қолиш имконияти йўқлигини ҳисобга олиб, никоҳни бекор қилиш ҳақида қарор чиқарди. Инсоний эҳтиёжлар ўз йўли билан. Лекин юксак ахлоқий мезонлар қаерда қолди?

С.АЛИБЕКОВ,
Пастдарғом туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суд раиси.

ЖАМИЯТ ТАШАББУСИ БИЛАН

«Нукус музейи дўстлари» деб номланган жамият фаолияти кенгайиб кетди. Республикаemiz пойтахти Тошкентда ташкил этилган бу жамият ташаббуси билан кўчма кўرғазмалар ҳам намойиш қилинмоқда.

Тошкентдаги замонавий санъат марказида очилган кўрғазма ҳам кўплаб томошабинлар эътиборини ўзига тортди. Бу экспозициядан 50 дан ортиқ картина ва полотнолар ўрин олди.

Ўтган аср бошларида Ўзбекистонга ташриф буюрган рус расомлари ижод намуналари ҳам кўрғазмага қўйилди. Шунингдек, таниқли Қорақалпоқ расомлари асарлари томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди.

УМИД МУСТАФОВЕВ.



Хотира уйғонса гўзалдир

илов. - Бир кунни Фарғонанинг узоқ қишлоғида спектакл кўйиб кеч қайтдик. Ҳориб-толиб ёстиққа бош кўйибман-у ухлаб қолибман. Елкамдан кимдир секингина сийлаб турганида уйғониб кетдим. Қаршимда Воҳид ака турар эдилар.

—Қани, Акрамжон, дарвор ювиниб таҳорат қилиб олинг, бир жойга бориб келамиз, -деб қолдилар. Устознинг гаплари биз учун қонун эди. Кийиниб кўчага чиқдик. Шаҳар марказидаги «Нурхон» мадани-

илов. - Бир кунни Фарғонанинг узоқ қишлоғида спектакл кўйиб кеч қайтдик. Ҳориб-толиб ёстиққа бош кўйибман-у ухлаб қолибман. Елкамдан кимдир секингина сийлаб турганида уйғониб кетдим. Қаршимда Воҳид ака турар эдилар.

—Қани, Акрамжон, дарвор ювиниб таҳорат қилиб олинг, бир жойга бориб келамиз, -деб қолдилар. Устознинг гаплари биз учун қонун эди. Кийиниб кўчага чиқдик. Шаҳар марказидаги «Нурхон» мадани-

илов. - Бир кунни Фарғонанинг узоқ қишлоғида спектакл кўйиб кеч қайтдик. Ҳориб-толиб ёстиққа бош кўйибман-у ухлаб қолибман. Елкамдан кимдир секингина сийлаб турганида уйғониб кетдим. Қаршимда Воҳид ака турар эдилар.

«ЖИНОЯТЧИ» АРТИСТ

Воҳид Қодировдан ижодий учрашувлар чоғида томошабинлар:

— Нечта фарзандларингиз бор, -деб сўраб қолишса «иннайкейин, бир этак», деб хоҳолаб қулиб кўярдилар.

Воҳид ақанинг фарзанди аржумандлари Маъруфжон шундай хотирлайди.

— Дадам театрдан хориб-чарчаб уйга келар-

БИЗНИНГ «БОЙ ОТА»

дилар-да, нари-бери тамадди қилиб, тикув машинаси ёнига ўтириб, кийим тикишга тутинардилар.

Ҳа, Воҳид ака нафақат истеъдодли актёр, балки моҳир тикувчи ҳам эди. У кишининг ўзи эътироф этганидек, бир этак болани едириб-ичириб, қоринни тўйдириб шу вақтга қадар артистлик маоши камлик қиларди. Шунинг учун кечкурунлари алламаҳалгача кийим-кечак тикиб, бозорчи аёлларга тайёрлаб кўярди... Ана шундай кунларнинг бирида сотувчи аёл милиционерлар қўлига тушиб қолади. Қўрқиб кетганидан кийимларни қаердан олганлигини оқизмай-томизмай айтиб беради. Ярим кечада Воҳид ака:

ВОДИЙ САФАРИДА

—Воҳиджон ака билан водий сафарига эди, -деди хотирлайди ёш томошабинлар театрининг истеъдодли актёри Акрамжон Исмо-

илов. - Бир кунни Фарғонанинг узоқ қишлоғида спектакл кўйиб кеч қайтдик. Ҳориб-толиб ёстиққа бош кўйибман-у ухлаб қолибман. Елкамдан кимдир секингина сийлаб турганида уйғониб кетдим. Қаршимда Воҳид ака турар эдилар.

—Қани, Акрамжон, дарвор ювиниб таҳорат қилиб олинг, бир жойга бориб келамиз, -деб қолдилар. Устознинг гаплари биз учун қонун эди. Кийиниб кўчага чиқдик. Шаҳар марказидаги «Нурхон» мадани-

илов. - Бир кунни Фарғонанинг узоқ қишлоғида спектакл кўйиб кеч қайтдик. Ҳориб-толиб ёстиққа бош кўйибман-у ухлаб қолибман. Елкамдан кимдир секингина сийлаб турганида уйғониб кетдим. Қаршимда Воҳид ака турар эдилар.

—Қани, Акрамжон, дарвор ювиниб таҳорат қилиб олинг, бир жойга бориб келамиз, -деб қолдилар. Устознинг гаплари биз учун қонун эди. Кийиниб кўчага чиқдик. Шаҳар марказидаги «Нурхон» мадани-

илов. - Бир кунни Фарғонанинг узоқ қишлоғида спектакл кўйиб кеч қайтдик. Ҳориб-толиб ёстиққа бош кўйибман-у ухлаб қолибман. Елкамдан кимдир секингина сийлаб турганида уйғониб кетдим. Қаршимда Воҳид ака турар эдилар.

Бўлғуси чемпионларимиз

Ихтиёр ЭГАМОВ: НИЯТИМ— ОЛТИН МЕДАЛ!

Ниҳоҳларидан ўқтамлик балкиб турган бу йигитни бугун кўпчилик танийди. Чунки ёш курашчи Ихтиёр Эгамовнинг кўксини шода-шода медаллар безаб турибди. У мамлакатимиз тадбаларининг икки Универсиадаси белбоғли кураш баҳслари қолиби.

Ихтиёр Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида туғилиб ўсди. Кўплаб тенгқўрлар қатори болалигиданоқ катта-кичик давраларда кураш тушди. Белбоғли курашнинг бор сир-синоатини эса отаси, таниқли полвон Муҳаммадхон Эгамовдан ўрганди.

— Кишлоғимизда бўлиб ўтган кураш мусобақасида кўшни тумандан келган полвон ҳамма йигитларимизни мағлуб этди, - дея ҳикоя қилади Муҳаммадхон ака. — Охири-ўғлим,рақибдан 2-3 ёш кичик бўлса-да, орият учун даврага чиқди. Кураш гоят қизгин тус олди. Сўнгги лаҳзада Ихтиёр ўзим ўргатган усулни кўлаб, рақибини даст кўтарди-да, елкасини ерга теккиздди. Қишлоқдошларим, ёру биродарларим, айниқса, менинг ўша пайтдаги қувончимни тасавуур қила олаёйсизми?!

Ихтиёр ачини кунларда ноябр ойида ўтказиладиган белбоғли кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати баҳсларига тайёргарлик кўрмоқда. Унинг ягона нияти — жаҳон биринчилигининг олтин медалини қўлга киритиш.

У.НАВРҶЗОВ,
«Ишонч» муҳбири.

МУСТАҲКАМ ҲҶУВ НЕГИЗИ

Республикаимизда телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш жараёнида илчиларнинг алоқаси алоҳида аҳамият касб этади. Шу йўналишда малакали мутахассислар тайёрлашда Тошкент ахборот технологиялари университетининг «Телекоммуникация тармоқлари ва коммунция тизимлари» кафедрасининг туган ўрни катта.

Кафедра рақамли электрон ва радиорелье станциялари мажмуаси билан жиҳозланган лабораторияга эга

А.АЛИЕВ.

ISHONCH
Муассис:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚЮМОВ

Таҳрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остону, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов.

Телефонлар:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топшириш - 21.40

Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г— 619. 1 2 3 4 5 6